

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2008 йил, 1 июль, СЕШАНБА

Газета 1961 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСII КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 125 (11.186)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ҲАМ ТҮРТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТҮҒРИСИДА АХБОРОТ

27-28 июнь кунлари Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҲАМ ТҮРТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТҮҒРИСИДА АХБОРОТ

тайёрланган, коррупцияга қарши кураш юзасидан қатор қўшимча чора-тадбирларни, шу жумладан бу соҳада халқаро ҳамкорлик таъмин этилишини назарда тутувчи «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам бор.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Таркибига ҲАМ ТҮРТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТҮҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**
1. Шерали Раимович Раҳманов Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари этиб сайлансин.
2. Боккижон Бақоевич Яхъев Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари – ҳарбий ҳайъат раиси этиб сайлансин.
3. Хаёт Бахриддинович Холмирзаев Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари этиб сайлансин.

4. Шаюев Аюбджанович Газиев бош ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари вазифасидан озод қилинсин.
5. Халилилло Собиржонович Тураҳужаев бош ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси вазифасидан озод қилинсин.
6. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга кирад.

Тошкент шаҳри, 2008 йил 28 июнь

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Ҳужалик Судининг Раиси Тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**
1. Аманджан Джаббарович Ишметов Ўзбекистон Республикаси Олий Ҳужалик судининг раиси вазифасидан озод қилинсин.
2. Дилмурод Ахмадуллаевич Миззакаримов Ўзбекистон Республикаси Олий Ҳужалик судининг раиси этиб сайлансин.
3. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга кирад.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Ҳужалик Судининг Раиси Тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**
1. Нурмат Рустамович Аҳманов Ўзбекистон Республикаси Олий Ҳужалик суди раисининг биринчи ўринбосари этиб сайлансин.
2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга кирад.

Тошкент шаҳри, 2008 йил 28 июнь

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикасининг Миср Араб Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Вазифасига Тайинлаш Тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**
1. Шоазим Шоисламович Минсаров Ўзбекистон Республикасининг Миср Араб Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси этиб тайинлансин.
2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга кирад.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикасининг Индонезия Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Вазифасига Тайинлаш Тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**
1. Шовкат Кабулджанович Джамалов Ўзбекистон Республикасининг Индонезия Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси этиб тайинлансин.
2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга кирад.

Тошкент шаҳри, 2008 йил 28 июнь

Кечас сатрларда

● **МАРКАЗИЙ** офицерлар уйда Ўзбекистон Куролли кулари академияси битирувчиларига дипломлар топширилади.
● **ФАДУР** Фулом номидagi маданият ва истироҳат боғида «Иқтидорли ёшлар ижросида мумтоз наволар давраларида» ўз уйини ўзини ишроқиди уюштирилган концерт ва учрашув кечаси Ўзбекистон Республикаси Муқабиллигининг 17 йиллиги мда Тошкент шаҳрининг 220 йиллигига бағишланди.
ФЕПУБЛИКА «Махалла-камармаси, Оқсоқоллар Кенши ва Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги ҳамкорликларида «Ўз уйини ўзини асра» мавзусида ўтказилган тадбирда маҳаллалар оқсоқоллари, хотин-қизлар комиссиялари раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, маҳаллалар посбонлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари иштирок этишди.

Тошкент шаҳри, 2008 йил 28 июнь

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

Ўз ИСТИҚБОЛИ ЙЎЛИДА ИНТИЛГАН КОРХОНАЛАР ТАДБИРҚОРЛАРИ ФАҚАТГИНА ИЧКИ БАЗОРНИ МАХСУЛОТЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАБГИНА ҚОЛМАЙ, ТАШҚИ БОЗОРГА ЧИҚИШ, «ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЙЁРЛАНГАН» ЁРИҚЛИ РАҚОБАТБАРДОШ ТОВАРЛАРНИ ХОРИЖГА ЭКСПОРТ ҚИЛИШ ЙЎЛИДА ИЗЛАНАДИ, МАРКЕТИНГ ИШЛАРИНИ ЯХШИ ЙЎЛГА ҚЎЯДИ.

Айни пайтда «AZN» савдо белгиси стиди ишлаб чиқарилаётган махсулотлар ҳақида ҳам илиқ гапларни айтиш ўринлики, ушбу оварларга кўшни Қозоғистон, Тожикистон, Туркманистон, Россия сингари давлатларда ҳам буюртмалар тушмоқда.

—Албатта, экспортни йўлга қўйиш месадида биринчи навбатда махсулотларимизсифатига катта эътибор қаратиш баробарида,—дейди «AZN» масъулияти чекланган жамияти бош директори Анвар Назиров,— хорижий давлатлар билан ҳам ҳамкорликни мустаҳкамлашга интиляимиз. Шу боис нафақат мамлакатимизда ўтказилаётган ярмарка ва кўргазмаларда, шунингдек, халқаро тадбирларда ҳам з махсулотларимизни намойиш этишга ҳаракат қилаймиз, ташқи бозор талабини чуқур ўғаняймиз, ҳамкорлар орттирляимиз, фойдал шартномалар тушмоқдамиз. Жорий йилда Туркманистоннинг Ашхобод шаҳрида бўли ўтган ўзбек ярмаркасида ҳам катнашиб, шартномалар имолашга эришдик. Асл мақсадиимиз юртимиз ёрлиғи остида тайёрланган тадбирларда ҳам з махсулотларимизни намойиш этишга ҳаракат қилаймиз, ташқи бозор талабини чуқур ўғаняймиз, ҳамкорлар орттирляимиз, фойдал шартномалар тушмоқдамиз.

Шуи алоҳида эътибор қилиш керак, тадбирқорлар жорий йилда йағни давлатидан яна бир яғни линия келтиришни режалаштирмоқда.

Муваффақиятлар хусусида тхталар эканмиз, уларнинг эътирофга лойиқлариталайгина. Ўтган

чиқариш ҳажмининг ортиб бораётганлиғи астойдил изланишлардан далолатир. Корхонада савдо дўконлари учун жиҳозлар ва машиий музлаткичлар ҳамда мебель махулотлари тайёрланади. Корхонанинг Чилонзо ҳамда Паркент бозорларидаги фирма савонлари ҳаммиса харидорлар билан гавжум бўлади.

Шубҳасиз, рақобатбардош тварларни ишлаб чиқаришда замонавий линия ва ускуналарнинг ўрни катта. Шу бои бўлса керак, тадбирқорлар жорий йилда йағни давлатидан яна бир яғни линия келтиришни режалаштирмоқда.

Муваффақиятлар хусусида тхталар эканмиз, уларнинг эътирофга лойиқлариталайгина. Ўтган

ПОЙТАХТНИНГ БИР КҮНИ Яниликлар, воқеалар

«Ўзбекистонда тайёрланган»

ИСТИҚБОЛГА ИНТИЛИБ



Йилда корхонада олинган фойда 90 миллион сўми ташкил этиб, электр энергияси тежамкорлигини таъминловчи яғни моделдаги музлаткичи савдо пештахталари, «Аксимо» деб номланган офис мебели ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилди. Яна бир энг қувонарлики, тадбирқорлар муваффақиятининг мамлакат миқёсида эътирофга, рағбатга сазовор бўлгандир. Хусусий тадбирқорликда, икки-уч нафар ишчи билан фаолият бошлаган корхона раҳбари Анвар Назиров ишлаб чиқаришни кенгайтириб, қўшимча ишчи ўринлари яратиб корхона очишга эришди. У Президент севрини учун ўтказилган «Ташаббус—2008» кўрик-танловининг Республика босқичида биринчи ўрин сохиби деб топилиб, «Энг яхши тадбирқор» номини олди, эл-юрт олқишига, Юртбошимиз севрини га мушарраф бўлди. Бу, албатта тадбирқорнинг кўп йиллик изланишлари самараси ва муваққил юртимизда ишбилармонларга яратилган имкониятлар шарофатидир.

Корхонада айни пайтда ойига юзта машиий музлаткич ва савдо жиҳозлари тайёрланаётган ҳамда уларнинг турлари, дизайни устида тинмай изланишлар олиб борилаётган бўлса, яқин кунларда унинг натижаси кўзга ташланиши, шубҳасиз. Албатта, экспорт йўлга қўйилса, буюртмалар янада оша ишлаб чиқариш ҳажми ҳам ортади, яғни линиянинг ишга туширилиши асосида эса қўшимча ишчи ўринлари яратилади. Бугунги хар бир савий-ҳаракат ана шу мақсадини амалга оширишга, Республикаимиз иқтисодиётига муносиб хисса қўлишга қарайлик. Зеро, тадбирқорликни хар томонлама қўллаб-қувватлаган, химоялаган ва мададкор бўлган юртимизда ана шундай бўлиши, шубҳасиз.

Шарифа ИЛЁСОВА
СУРАТЛАРДА: хар бир ишчи-хизматчининг ўз ишини пухта бажариши тайёрланган махсулотларда ёркин намойён бўлиб харидорларни мамун этмоқда.
Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар

ВЬЕТНАМ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА МАМЛАКАТИМИЗГА АШРИФ БУЮРГАН ВЬЕТНАМ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ЙИҒИНИ (ПАРЛАМЕНТИ) РАИСИНИНГ ҲАМ ТҮРТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТҮҒРИСИДА

Мулкот чоғида Ўзбекистон билан Вьетнам ўртасидаги алоқалар барча йўналишларда, жумладан, парламентаризм соҳасида ҳам изил ривожланиб бораётгани аъкидланди.

—Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар барча оҳдаларда жадал ривожланиб бормоқда,— деди Уонг Тьу Лиу.— Мен бундан бирнеча йиллар муқаддам Тошкентда тахсил олганман. Пойтахтининг таниб бўлмас даражада ўзгаргани, чиройи-чиروي кўшилганининг йвоҳи бўлдим. Истиқлол йилларида бу ерда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободлаштириш ишлари тахсинга лойиқ. Бу эс Ўзбекистоннинг хар жаҳда изчил тараққий этаётганидан далолатдир. Юртинги билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш тарафдоримиз.

Музокарада Ўзбекистон ва Вьетнам олий қонунчилик органилари ўртасидаги ҳамкорликка доир масалалар юзасидан фикр алмашди. Шу кун Вьетнам делегацияси аъзолари Ўзбекистон

Республикаси Конституциявий суди раисининг ўринбосари Б.Мирбобоев билан ҳам учради.

Мулкот чоғида мамлакатимизда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш борасидаги ислохотлар изчил ва босқичма-босқич амалга оширилаётгани, соҳада кўплаб қонунлар, меъърий ҳужжатлар қабул қилиниб, замон талаблари асосида янада такомиллаштирилаётгани алоҳида таъкидланди. Хусусан, Президент Ислам Каримовнинг 2005 йилнинг август ойида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги ва «Қамокка олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги фармонлари эълон қилиниши ва улар асосида тегишли қонунларнинг қабул қилиниши жаҳон ҳам-жамияти томонидан юксак баҳолангани, ушбу ҳужжатлар суд-ҳуқуқ тизимини янада эркинлаштириш борасидаги савий-ҳаракатларнинг манфиати ҳақида муносив бўлиб, Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик

давлат қуриш жараёнини яғни босқичга олиб чиқашга хизмат қилиши қайд этилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 май кун қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармонига биноан амалга оширилаётган ишлар ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти бардо этиш борасидаги кенг қуламли ислохотларнинг узий давоми экани таъкидланди. Уонг Тьу Лиу мамлакатимизда қонун устуворлиги ва иқтисодий адолатни таъминлаш, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини химоя қилиш борасида амалга оширилаётган кенг қуламли ислохотларга, суд-ҳуқуқ тизимига оид қонунлар ва меъърий ҳужжатларга юксак баҳо берди. Вьетнам делегацияси аъзолари Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида ҳам музокара ўтказди. Ирода УМАРОВА, ЎЗА мухбири

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Гулистон шаҳрида Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Ички ишлар вазирлиги ва Конрад Аденауэр жамғармаси (Германия) ҳамкорлигида «Жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш» мавзусида илмий-амалий семинар ўтказилди.

● Тошкентда «Тошкент тарихи — ёзма ва археологик манбаларда» мавзусида уюштирилган анжуманда тарихчи, этнограф, археолог манбашунос олимлар, ёш тадқиқотчилар, талабалар, коллеж, лицей, мактаб ўқитувчилари ва журналистлар катнашди.

● Қорақалпоғистон Республикасининг Эвликқалъа туманидаги «Орол болалари» ўқув-соғломлаштириш марказида йўл ҳаракати ёш назоратчиларининг республика анжумани бўлиб ўтди.

● Урганчдаги маданият ва истироҳат боғида Хоразм вилояти Татар миллий-маданий маркази ташаббуси билан татар халқининг миллий байрами — Сабантўй ўтказилди.

● Тошкентдаги «Осиё» галереясида сурат билан ишловчи Россиянинг энг таниқли мусаавирларидан бири Григорий Майофиснинг «Мақоллар» деб номланган экспозицияси очилди.

● Тошкент Архитектура-қурилиш институтида ўқув-маслаҳат маркази очилди. Ушбу марказ талабаларни қурилишнинг замонавий услуб ва технологиялари, материаллари ва техникалари, тармоқнинг жаҳонда ривожланиш йўналишлари билан таништириш мақсадида ташкил этилди.

● Ўзбекистон темир йўллари давлат акциядорлик компанияси Хитойнинг CSR Zhuzhou Electric Locomotive Co. LTD компанияси билан 15 та йўловчи электровозларни харид қилиш юзасидан шартнома тузди. Дастлабки маълумотларга қараганда, шартноманинг умумий қиймати 74,25 миллион долларни ташкил этади.

● Фарғона вилояти болалар кутубхонаси Ахборот-ресурс марказида «Умид ва истеъдод» ёшлар клуби очилди. Ёзги таътил пайтида ўқувчиларнинг мазмунли ҳордиқ чиқаришлариға кўмаклашиш мақсадида ташкил этилган клуб ишиға 100 дан ортиқ болалар ва қизлар жалб этилди. Клуб аъзолари вилоятдаги Меҳрибонлик уйлари ва болалар касалхоналарида турли-туман маданий-маърифий тадбирлар ўтказишни режалаштирмоқда.

● Термиз туманида «Наврўз» наслчилик-чорвачилик мажмуаси ташкил этилди. Бу ерда хориждан келтирилган зотдор қорамоллар кўпайтирилади. Ем-хашак етиштириш учун 500 гектар ер майдони ажратилди.

ЖАҲОНДА

● Кеча Франция Европа Иттифоқига раислик қилиш ҳуқуқини Словениядан қабул қилиб олди. Ушбу маросим Париждаги машхур Эйфель минорасида юғдузлар шаклидаги кўк чироқларни ёқиш билан нишонланди.

● ГФР Президенти Х.Келер Конституцион суд қарор чиқаргунга қадар Лиссабон битимининг имзоланмаслигини билдирди.

● Роберт Мугабенинг Зимбабведаги президентлик сайловида галаба қозонгани расман эълон қилинди. «Рейтер» ахборот агентлигининг хабарига кўра, сайловнинг иккинчи босқичида у 85,51 фоиз овоз олишга эришган. Бирок, БМТ Бош котиби Пан Ги Мун Зимбабведа бўлиб ўтган президент сайловини ноқонуний деб эълон қилди. Шунингдек, дунёнинг кўпгина давлатлари ҳам Зимбабвенинг ушбу сайловини расмий тан олмапти.

● «Толибон» ҳаракати Покистон ҳукумати билан тинчлик бўйича келишган барча шартларни бекор қилишини билдирди. АФП хабарига кўра, ҳаракат етакчиларининг бундай қарор қабул қилишиға, Покистон ҳукуматининг жангариларига қарши қатор харбий операциялар ўтказгани сабаб бўлган.

● Исроил ҳукумати Ливаннинг Ҳезболлоҳ ҳаракати билан асирлар айирбошлашга тайёр эканлигини билдирди. Германия воситачилигида айирбошлаш келишуви натижаси яқун топиши мумкин. Зеро, ўтган кун Исроил парламентининг аксарият аъзолари ливанлик 5 нафар жангарини Ливанга қайтаришни маъқуллади. Келишувга биноан «Ҳезболлоҳ» ҳаракати 2006 йил Ливанда бўлиб ўтган жангларда яраланиб асирга тушган, кейинчалик ҳалок бўлган икки нафар исроиллик аскар жасадини Исроилга топширади.


● Абхазия амалга оширилган қатор террорчилик хуружларидан сўнг Грузия билан чегарани қурорт мавсуми тугагунга қадар ёпди. Чегарадан эндиликда фақат халқаро кузатувчилар махсус рухсатнома орқали ўтишлари мумкин.

● Италия маслаҳатлашиб олиш мақсадида ўзининг Зимбабведаги элчисини қақриб олди.

● Етақчи жаҳон биржаларида бир баррел нефтнинг нархи 140 доллар қийматиға тушди.

● Польша россиялик сайёҳлар учун визаларни расмийлаштириш жараёнини бирмунча соддалаштирди.

● Хитойда содир бўлган поезд ҳалокати оқибатида 10 дан зиёд одам оғир жароҳатланди. Синьхуа агентлигининг хабар беришича, ушбу ҳодиса Гуанси-Чжуан-Гуандун темир йўл магистралига юз берган. Маълумотларға кўра, қор қўшиши сабабли поезд рельсдан чиқиб кетган ва қулаган.



Дарҳақиқат, истиқлолнинг кадр-қиммати, у билан боғлиқ эзгу тушунчаларни ҳар бир киши чуқур ҳис қилмоғи зарур. Ана шу жиҳатлар мустақилликнинг ўн етти йиллигини катта тантана қилишда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларда ўтказиладиган байрам дастурлари ва оммавий томошаларда акс этади.

Республика "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси ҳам истиқлол йилларида амалга оширилаётган ислохотларни таъсирчан усуллар билан ёритиш, шодоналар арасида хиёбону кўчаларни безатишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Уюшманинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий йутиқларни кенг ҳалқ оmmasига таъсирчан ва жозибador қилиб етказиш, халқимизнинг чинакам бунёдкорлик ишларини, миллий қадриятлар, одамлар онги ва маънавий қиёфасида рўй бераётган ўзгаришларни тасвирий воситалар орқали тарғиб этиш йўлидаги самарали фаолияти таҳсинга сазовор. Гўзал тасвирлар, ибратли ўғитлар, ҳикматли сўзлар инсон рўҳиятини кўтариб, дилини равшан этиши ҳамда орзу-умид ва дунё қарашини янада бойитиши табиий. Ешу қари онгида миллий қадриятларни шакллантириш, маънавий қиёфадаги ўзгаришларни тасвирий воситалар орқали кенг тарғиб этишдек улғувор вазифани "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси ўз зиммасига олган. Уюшма томонидан тайёрланаётган тасвирларда ҳалол меҳнати, фидойилиги, ватанпарварлиги, изланувчанлиги ва ташаббускорлиги билан ёшларга ўрнак бўлаётган бунёдкор замондошларимиз сиймоси акс этмоқда.

Мустақиллик байрами арасида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Энг улғу, энг азиз" байрамида барча ҳудудларда жойлаштирилаётган йигирма мингдан ортиқ баннер сингари тасвирий воситалар халқимизга кўтаринки руҳ, байрамонга кайфият ва ёшларимизга маънавий бойлик бахш этмоқда.

2009 йил Тошкентнинг 2200 йиллиги кенг нишонланади. "Тасвирий ойна" ижодий уюшмасида айна

қунларда кўшалок байрамга қизгин тайёргарлик кўришмоқда.

—Бунёдкорлик ишларини олиб бораётган оддий инсонлар қалбига, рўҳиятига таъсир қила оладиган матн тасвири бўлиши керак, — деди "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси Бошқаруви раиси Исфандиёр Латипов. — 2008 йилнинг "Ёшлар йили" деб эълон қилиниши ҳамда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги уюшма зиммасига ҳам катта масъулият юқлади. Бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Президент Исрол Каримовнинг маърузаларидан олинган, ёшлар мавзуи билан боғлиқ қайдлар жамланган махсус тасвирнома чоп этилди. "Ёшлар ишончимиз, қувончимо, келажакимиз" мавзуида плакатлар ишланыпти. Унда

монидан ҳам "Ёшлар йили"га бағишланган махсус баннер ва плакатлар тайёрланган. Улар кўча ва хиёбонларга, бозорлар, ўқув муассасалари ҳамда қорхоналарда ўрнатилган. "Ёшлар ишончимиз, таянчимиз ва келажакимиз" мавзусида кўчма кўргазмалар ташкил этиляпти.

— Юртимиз кўрки, салоҳияти ва фаровонлиги акс этган тасвирларнинг нафақат-пойтахтда, балки вилоятлардаги чекка туман ва қишлоқларда ҳам қўйилиши аҳолига, айниқса биз ёшларга маънавий мадад беради, — дейди Тошкент тиббий академияси иккинчи босқич талабаси Муҳаббат Абдуллатипов. — Тасвирлардаги жаннат макон Ўзбекистоннинг ютуқлари, мустақиллик туғайли қад ростилаётган ҳашаматли бинолар, бахтли оила тимсоллари, Самарқанд, Бухоро, Хивадаги тарихий обидаларни кўрган ҳар ёш яшаётган юртидан гурурланиб, қалбиди фахр-ифтихор туйғуси жўш уради.

— Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейига тайёргарлик кўриш борасида ҳам ижодий ишлар бошланган. Унга кўра, айни пайтда мамлакатнинг энг тажрибали тарихшунос мутахассислари ҳамда Республика Бадийи академияси раҳбарлари билан ҳамкорликда Тошкентнинг ўтмиш тарихи ҳақида турли баннер ва плакатлар тайёрланапти, — деди И. Латипов. — Уларда кўна Шошни ўтмиш ҳаёти, яшаган уламолари, тadbиркорлари, мадраса ва мактаблар қурган ва илм-фаннинг ривожланишига улкан ҳисса қўшган уламо олимлари акс эттирилади. Қисқаси юбилей баҳонасида шаҳарнинг бутун тарихини тасвирий ойналарда акс эттириш режалаштирилган. Аслини олганда ҳар қандай тараққиёт миллатнинг ўзлигини англашдан, ўз кадр-қиммати тиклашдан бошланади. Истиқлол бу эркин дунёқараш, мустақил тафаккурга суяниб яшаш салоҳиятидир. Зотан, эркин дунёқарашни кишининг ички имкониятларини рўёбга чиқаради.

Мустақилликнинг ўн етти йиллик тараққиёт йўли нафақат мамлакатимиз, балки ҳар биримизнинг тақдиримизда кескин бурилишлар ясади. Ушбу давр тарихи билан қиёслаганда жуда қисқа, бироқ, мамлакатимиз имкониятлари, давлатимиз қудрати ва халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти туғайли юз йилликларга татийдиган ютуқлар қўлга киритилди.

Рустам ХАЙДАРОВ,
"Туркистон-пресс"


ТАСВИРЛАРГА КЎЧГАН ИСТИҚЛОЛ

МУСТАҚИЛЛИК МОҲИЯТИНИ АҲОЛИГА, АЙНИҚСА ЁШЛАР ОНГИГА СИНГДИРИШ, ЭРИШИЛГАН ЮТУҚЛАРНИ ХАЛҚИМИЗ ВА ЖАҲОН ЖАМОАТЧИЛИГИГА КЕНГ ТАРҒИБ ҚИЛИШ ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ "ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎН ЕТТИ ЙИЛЛИГИ БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚАРОРИДА ҲАМ АЛОҲИДА ҚАЙД ЭТИБ ЎТИЛДИ.

келажак ворислари бўлган ёшларга ҳукумат томонидан берилаётган эътибор, хусусан мактаблар қурилиши ва қайта таъмирланиши, турли соҳаларга ихтисослашган замонавий коллежаларнинг барпо этилиши, олий ўқув юрларининг ташкил этилиши, замонавий таълим стандартлари тасвирлар орқали акс этмоқда. Ёшларни иш билан таъминлаш, ёш оилаларни иқтисодий ва маънавий қўллаб-қувватлаш масалалари ҳам тасвирларда атрафлича ёритилаётган. Шунингдек, "Соғлом авлод тарбиясида жисмоний тарбиянинг ўрни ва роли" мавзусида ҳам махсус плакат тайёрланапти, унда спорт, маданият ва санъат йўналишларида муваффақият қозонган жаҳон чемпионолари акс эттирилади. Бу ўз навбатида ёшларни соғлом турмуш тарзига йўналтириш ва янада руҳлантиришга кўмаклашади.

И. Латиповнинг таъкидлашича, "Тасвирий ойна" ижодий уюшмасининг вилоятлардаги бўлимлари то-

МАНА, БИР ОЙ БЎЛДИКИ, БОЛАЖОНЛАРИМИЗ СЎЛИМ ГЎШАЛАРДА ЖОЙЛАШГАН СОҒЛОМЛАШТИРИШ ОРОМҒОҲЛАРИДА МАЗЗА ҚИЛИБ ҲОРДИҚ ЧИҚАРМОҚДАЛАР. УЛАРИНИНГ МАРОҚЛИ ДАМ ОЛИШЛАРИ УЧУН ОРОМҒОҲЛАРДА БАРЧА ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛГАН. ТУРЛИ ТЎГАРАКЛАР ФАОЛИЯТ КЎРСАТМОҚДА, УЛАР СПОРТ СЕКЦИЯЛАРИДА ШУҒУЛЛАНИБ, ЗИЛОЛ СУВЛАРДА ЧЎМИЛИБ, ЯНГИ ДЎСТЛАР ОРТПИРМОҚДАЛАР. БОЛАЖОНЛАРИМИЗНИНГ ҲОРДИҚЛАРИ НАФАҚАТ МАЗМУНЛИ, БАЛКИ ХАВФСИЗ БЎЛИШИ БОРАСИДА ҲАМ ЧОРА-ТАДБИРЛАР КЎРИЛМОҚДА.



Ёз—ўтмоқда соз

БОЛАЛАР ЭПЧИЛЛИКЛАРИНИ КЎРСАТИШДИ

Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Хондайлик қўрғонидида жойлашган «Камалак» болалар соғломлаштириш оромгоҳида Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда пойтахт Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ташаббуси билан «Ёғи болалар оромгоҳларида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва содир бўлганда тўғри ҳаракат қилишга тайёрлаш ҳамда болаларнинг хавфсиз дам олишларини таъминлаш» мавзусида амалий ўқув семинари ҳамда «Ёш кўтарувчилар» мусобақасининг ташкил этилиши ҳам фикримизга далил бўла олади.

Тadbирда шаҳар ҳокимлиги, шаҳар Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар, Ёнгин хавфсизлиги, Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими бошқармалари, пойтахт қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши вакиллари билан бир қаторда Тошкент шаҳар қорхоналари тасарруфидаги Бўстонлик, Урта Чирчиқ, Паркент ва Охангарон туманлари Худудда жойлашган 19 та болалар соғломлаштириш оромгоҳлари раҳбарлари, тарбиячилар ҳам иштирок эттишти.

Сўлим ва хушманзара оромгоҳда болалар семинар қатнашчиларига ўз кўргазмали чиқишларини тайёрладилар, ташкилотчилар эса турли вазиятларда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, фавқулодда ҳолатларда қандай ҳаракат қилиш юзасидан керакли маълумотларни бердилар.

Семинарда Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи полковник

Эргаш Икромов таъкидлаб ўтганидек, ҳар бир соғломлаштириш оромгоҳида ўқувчиларнинг хавфсиз тарзда дам олишларини таъминлаш юзасидан турли режалар ишлаб чиқилди, тегишли мутахассислар жалб этилди. Анжуманда оромгоҳларнинг директорлари, турли хизматлар раҳбарлари ва ходимларининг иштироки эса жонли мулоқотга, юзага келаятган масалаларнинг бевосита ҳал этилишига, ўзаро тажриба алмашишга ва ижобий тақлифларнинг билдирилишига йўл очди.

Тadbирда, шунингдек, Ёнгин хавфсизлиги бошқармаси, шаҳар Соғлиқни сақлаш бошқармаси ва Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази, халқ таълими бошқармаси ва шаҳар қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгашининг масъул ходимлари ҳам сўзга чиқиб, қатнашчиларга мавзу юзасидан кўргазмалар материалларни тарқатишди.

Амалий ўқув семинари аяқунланганидан сўнг «Камалак» оромгоҳида дам олаётган болалар мураккаб вазиятларда ўзларини йўқотиб қўймасдан керакли савий-ҳаракатларини амалга оширишни кўрсатганлари ҳолда ёш кўтарувчиларнинг мусобақаларини ташкил этишди. Бунда «Нажоткор» ва «Халоскор» жамоалари мусобақа давомида эпчиллик ҳамда жисмоний тайёргарликларини намойиш қилишди. Тўсиқлараро эстафета, палаткани ўрнатиш ва ақратиш, замбилни кўтариб югуриш, арқон тортиш, би-

ринчи тиббий ёрдам кўрсатиш—ушбу шартларнинг барчасини болалар маълум вақт ичида тез ва соз бажаришга ҳаракат қилишди. Муҳлисларнинг қизгин қўллаб-қувватлашлари эса уларни ғалаба сари руҳлантиради. Натияжада—дўстлик ғалаба қозонди ва барча болаларга Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ҳамда «Камолот» ЕИХнинг мукофотлари топширилди.

—Болаларнинг ёзги таътил пайтида дам олишларини ташкил этишга ҳар томонлама тайёргарлик мавсумидан анча олдин бошланади, — дейди биз билан сўхбатда Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи Эргаш Икромов. —Тегишли ташкилотлар «Ёшлар йили» Давлат дастурига мувофиқ режаларини тузиб, самарали ишларни амалга оширмоқдалар. Ушбу тadbир ҳам шулар жумласидандир. Бугунги кўтарувчилар мусобақасида болаларнинг қанчалик қаҳқон ва абжир эканликларини кўриб, очиги, кўнглимиз қувончга тўлди. Ахир ҳар бир катта ёшли киши ҳам 6 ўринли палаткани 57 сония ичида йиға олмайдди. Бундай тadbирлар бошқа оромгоҳларда ҳам ўтказилади. Семинар ва мусобақадан кейин «Камалак» оромгоҳида яратилган шарт-шароитлар билан ҳам танишди. Катта тарбиячи Татьяна Крюкова, сузиш бўйича мураббий Николай Гегай, бадий тўғрак раҳбари Галия Эшмухамедова ва болаларнинг савий-ҳаракатлари орқали болалар зерикаётганлари йўқ. Қизилқарни таътилла давом этмоқда.



ДИЛШОД ИСРОИЛОВ
СУРАТЛАРДА: «КАМАЛАК» ОРОМҒОҲИДА ЎТКАЗИЛГАН ТАДБИРДАН ЛАВҲАЛАР.
ҲАКИМЖОН СОЛИҲОВ ОЛГАН СУРАТЛАР

ЖУРНАЛИСТЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

"ЭКОСАН" ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТИДА "АТРОФ-МУҲИТ ВА АЗОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ РОЛИ" МАВЗУСИДА УЧРАШУВ БЎЛИБ ЎТДИ.

Унда "Матбуот, радио ва телевидениеда ҳамда электрон ОАВ саҳифаларида "Экология ва саломатлик кунлари" тadbирлари ва "Экосан" ташкилотининг "Ёшлар йили"га бағишланган мақсадли Дастури ва лойиҳалари ёритилган энг яхши журналистик иш" республика танлови якуни эълон қилинди.

Таълимининг "Энг фаол ишлаган тахририят" номинацияси бўйича "Халқ сўзи", "Народное слово", "Зеркало XXI" газеталари ва "Давр", "Пойтахт" информация дастурлари оғил деб топилди. "Энг яхши журналистик" номинацияси бўйича "Ўзбекистон" телерадиоканали "Абзорот" дирекцияси журналисти Абдувоҳид Очилов, "Энг яхши журналистик иш" номинацияси бўйича "Новый век" газетаси муҳбири Наталья Шулепина ва "Интернетда энг яхши журналистик иш" номинациясида Наталья Шивалдовалар эътироф этилди. "Энг яхши телекўрсатув" номинациясида "Худуд" ахборот таҳлилий дастури муҳбири Муҳаммад Пиримқуллова ҳамда "Энг яхши фоторепортаж тайёрлагани учун" UzReport.com портали фотомуҳбири Аскар Яку-

бов тақдирланди. Шунингдек, "Тошкент ҳақиқати", "Нури жол", "Ўзбекистон адабиёти ва санъати", "Поста", "Овози тожик", "Тошкент оқшоми", "Маърифат", "Ўзбекистон овози", "Қишлоқ ҳаёти", "Соғлом авлод" газеталари ҳамда "Ёшлар", "Тошкент", "Машъал", "Орият доно" радиоларининг "Экология ва саломатлик кунлари" тadbирларини ёритишда жонбозлик кўрсатгани эътироф этилди. Учрашувда Президентнинг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн етти йиллик байрамига тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорига асосан ташкил этилаётган республика экофестиваллар марафонини ўтказиш ва уни ОАВда ёритиш масалалари ҳам муҳожама қилинди. Экофестиваллар марафонини 1 августдан бошлаб, 23 августга қадар давом этади. Унинг якуний босқичи 23 августда Тошкентда бўлиб ўтади.

"ТУРКИСТОН" САНЪАТ САРОЙИНИНГ ЁЗГИ БИНОСИДА «ОФРИКСИЗ ЮРАК» ШИОРИ ОСТИДА ХАЙРИЯ КОНЦЕРТИ БЎЛИБ ЎТДИ.

ХАЙРИЯ ТАДБИРИ

«Ўзбекистон-Корея» дўстлик жамияти ва Кореянинг «JCI Kogea» ташкилоти ҳамкорлигида ўзбекистонлик бежор болаларни Корея давлатида бежор даволанишлари учун «Офриксиз юрак» халқаро акциясини амалга ошириб келмоқда. Жумладан, 10 нафарга яқин юрак хасталиғи билан оғриган бежор болалар Кореянинг нуфузли клиникаларида жаррохлик операцияларини ўтаб қайтишди. Жорий йилнинг июль ойида наватбади 6 нафар ўзбекистонлик бежор болалар Корея давлатига даволаниш учун юборилиши кўзда тутилган.

— Аввало, ташкилотчиларга ўз миндаторчилигини билдирмаган, — дейди Олмалик шаҳридан келган Насиба Иброҳимқуллова. — 10 ёшли ўғлимнинг юрағида тугма нуқсон бор. «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ҳамда Кореянинг бир қатор ташкилотлари билан оғриган бежор болаларни қанчалик қаҳқон ва абжир эканликларини кўриб, очиги, кўнглимиз қувончга тўлди. Ахир ҳар бир катта ёшли киши ҳам 6 ўринли палаткани 57 сония ичида йиға олмайдди. Бундай тadbирлар бошқа оромгоҳларда ҳам ўтказилади. Семинар ва мусобақадан кейин «Камалак» оромгоҳида яратилган шарт-шароитлар билан ҳам танишди. Катта тарбиячи Татьяна Крюкова, сузиш бўйича мураббий Николай Гегай, бадий тўғрак раҳбари Галия Эшмухамедова ва болаларнинг савий-ҳаракатлари орқали болалар зерикаётганлари йўқ. Қизилқарни таътилла давом этмоқда.

«Туркистон-пресс»



Хуқуқ-тартибот идорасига бир неча бор ариза билан мурожаат қилдим. Аммо аризам натижасиз қолдирилди. Аризани кўрмасдан ҳам қолдириш мумкинми?

Жасур Хайдаров,
Миробд тумани

Агар ариза муомалага лаёқатсиз шахс томонидан берилган бўлса; манфаатдор шахс номидан аризани иш юришига ваколати бўлмаган шахс берган бўлса; суд айна бир тарафлар ўртасидаги, айна бир предмет тўғрисидаги ва айна бир асослар бўйича чиққан низо юзасидан иш юришаётган бўлса; ишни ўзларининг иштирокисиз қўришни илтимос қилмаган тарафлар иккинчи чақирув бўйича ҳам узрли сабабларсиз судга келмасалар, суд эса ишга оид мавжуд материаллар асосида ишни ҳал қилиш мумкин эмас деб ҳисобласа; ишни ўзининг иштирокисиз қўришни илтимос қилмаган даъвогар иккинчи чақирув бўйича судга келмаса, жавобгар эса ишни мазмунан қўришни талаб қилмаса, бундай ҳолларда ариза кўрмасдан қолдирилади.

—Муниципал мулк нима? У ҳам хусусий мулк қилиб берилиши мумкинми?

Дилором Доноева,
Ҳамза тумани

—Давлат ҳокимияти маҳаллий органларнинг мол-мулки, маҳаллий бюджет маблағлари, муниципал уй-жой фонди ва коммунал хўжалик қорхоналар ва бошқа мулклик комплекслар, халқ таълими, маданият, соғлиқни сақлаш муассасалари, шунингдек бошқа мол-мулк муниципал мулк бўлади.

Муниципал мулк бўлган мол-мулкни, агар қонун ҳужжатларида бошқа тартиб назарда тутилган бўлмаса, давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ёки улар вакил қилган органлар тасарруф этадилар.

Муниципал мулк объектлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартлар асосида хусусий мулк қилиб берилиши мумкин.

—Ўн тўрт ёшга тўлмаган шахс томонидан тузилган битим ҳам ҳақиқий деб топилдими?

Зарифа Жумаева,
Чилонзор тумани

—Ўн тўрт ёшга тўлмаган шахс томонидан тузилган битим ўз-ўзидан ҳақиқий эмас, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 29-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган битимлар бундан мустасно.

Бундай битимдаги тарафларнинг ҳар бири битим бўйича олган ҳамма нарсани тарафга қайтариб бериши, олинган нарсани асл ҳолида қайтариб бериш мумкин бўлмаганида эса — унинг қийматини пул билан тўлаши шарт. Бундан ташқари, муомалага лаёқатли тараф, агар иккинчи тарафнинг муомалага лаёқатсизлигини билган ёки билиши лозим бўлган бўлса, иккинчи тарафга у қўрган ҳақиқий зарарни тўлаши шарт.

Санам АЗИМОВА,
Шайхонтоҳур туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариал идора нотариуси, хуқуқшунос

МАДАНИЙ АЛОҚАЛАР МУСТАҲКАМЛАНАДИ

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ИЮЛЬ ОЙИДА ТОШКЕНТДА ҚОЗОФИСТОННИНГ ҚУДДУС ҚУЖАМЪЯРОВА НОМИДАГИ "ҒУНЧА" БОЛАЛАР ТЕАТРИ ЖАМОАТ БИРЛАШМАСИ ГАСТРОЛ САФАРИ УЮШТИРИМОҚДА.

Успенский номидаги махсус-музыка академик лицейида "Ғунча" болалар театри аъзолари ҳамда "Янги авлод", "Санъат гўнчалари" фестивали лауреатлари иштирокида концерт дастури ўтказилди. 2008 йил "Ёшлар йили" ҳамда Тошкент театр ва расомчилик институтининг собиқ талабаси Шарваном Розиеванинг 30 йиллик ижодий фаолиятига бағишланган концерт дастури йиғилганларда катта таассурот қолдириди.

Санъат чеғара билмайди. У дилларни дилларга боғлаб, дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Маълумки, неча асрлардан буён қардош ҳисобланган ўзбек ва қозоқ халқларининг санъати ва маданияти ўзаро уйғундир. Мазкур тadbир ҳам икки халқ ўртасидаги маданий алоқаларини янада юксалтиришга хизмат қилади.

— Мен ўзбек қардошларим билан яна дийдорлашиб турганимдан хурсандман, — дейди Шарваном Розиева. — Менинг бетакдор талабалик даврим худди шу ерда ўтган. Ташрифдан қўзланган асосий мақсад икки халқ болалари ўртасидаги дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш, ёшларни ижодий фаолликка қорлашга қаратилган.

"Ғунча" болалар театри 8 ёшдан 18 ёшгача бўлган фаол ижодкор ёшлардан таркиб топган. Мазкур болалар театри Олма-ота шаҳрида ўтказилган "Ғунча" фестивалининг 2004-2007 йиллардаги лауреати ҳисобланади. Театр репертуари хилма-хил бўлиб, шарқ халқларининг миллий мусиқа, қўшиқ ва рақслари каби йўналишларни ўз ичига қамраб олган.

— Тошкентга ilk бор келишим, менга жуда ёқди. Музейларга бордик, маданият ва истироҳат боғларида сайр қилдик, — дейди театр аъзоси Турсун Шохинур. — Ўзбек болалари билан кутганимиздан ҳам тез чиқишиб кетдим. Улар билан кейинчалик ҳам дўст бўлиб қолиш ниятидаман.

Ушбу анжуман Ўзбекистон Республикасининг Қозғистондаги Қозғистон Республикасининг Ўзбекистондаги элчионалари, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Уйғур маданият маркази, Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

«Туркистон-пресс»

ОЗ-ОЗ ҲАҚИДА ДОНО БУЛАВ...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БҮСТОНИ МИРЗО АБДУЛҚОДИР БЕДИЛ ҲИКМАТЛАР

Мумсик бой олдида ўлим нақд бўлди, Заридан бир табиб қисими тўлди. Тиллоси сарф бўлиб кетганидай бой Сихат толган чокда қайтадан ўлди.

Бир томчи сиркадан ачийди бари, Агарда тоза сут бўлса ҳам юз хум.

Кечаги шох деди: «қирилсин соқол», Буниси «қирманг» деб амр этди дарҳол.

Зоҳиран назар қил булар ишига, Ё бир тук кўпайди, ё топди завол.

Қасд айла, ҳеч кимни ранжитма фикран. Кудурат уруги бўлмасин хирмон. Агар душманингни дўст қилолмасанг, Шундай қилки, дўстинг бўлмасин душман.

Кул бўлайин ул кишига, бўлмаса у гар номард, Совутмаса ҳаё, одоб хангомаси айлаб сард.

Ўзи хуноб бўлганда ҳам ёпишмаса бировга, Ўзи гард-гард тўзганда ҳам юқтирмаса дилга гард.

Кимки ғанимат деб ватандан кўчар, Бошқага ҳам кўнгил кўёлмай ўтар. Учкун тошдан ажраб чиққанидан сўнг, Қанча ардоқлама, бари бир ўчар.

Ҳез ёнида мард ҳам номард бўлади, Беҳиммат, бегайрат, бедард бўлади. Гар оташ юз йилча шуъла сочса ҳам, Бир дам сувга ботса, шул он ўлади.

Яхшилик истаманг совуқ кишидан; Музлаган чечакнинг иси жуда кам.

Шундай рамз борким, доғ бор ойда ҳам, Бундан ибрат олур ҳақиқий одам. Оёғи остида қора соя бор Ҳатто у фалак бўлса ҳамкишам.

Нафсин енгмоқ учун сабот керакдир. Қилич кесмас, даста бўлмаса анда.

Фитна кўзгатади кина, адоват, Оқиллардан чиқса — баттар қабоҳат. Энг равшан чирокдан кўтарилган дуд — Бошқа ҳамма дуддан қорадир, албат.

Юз тугун, юз ечим бўлмишдир боҳам Токи ўз рангига киргунча олам. Қиланг бўлманг, кўкда хилол мисоли Қалити осилғи ҳар эшикнинг ҳам.

Тилига зўр берар ақлсиз инсон.

Паст кишига ёрдам берма, арзимас, Тарбияга лойиқ эмасдир нокас. Фақат адоватга хизмат қилса тиг, Қилма унга сайқал бермоқни ҳавас.

Инсон танасини айлаб имтиҳон, Қайгаким қарама — тугун намоеън. Қазо шунча бўгин-тугун солганким, Ўлмай қутулмоққа қолмабди имкон.

2008 — Ёшлар йили

ТУМАНДА ЯНГИ МАРКАЗ

БУГУНГИ КУНДА ЁШЛАРГА КАТТА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛИБ, КЕЛАЖАҚДА СОҒЛОМ, КОМИЛ ИНСОН БЎЛИБ ЁТИШИЛАРИ УЧУН КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР ЯРАТИЛМОҚДА. УЛАРНИ ОНА-ВАТАНГА МУҲАБАБ РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ МАҚСАДИДА «ЁШЛАР ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ БЎЙИЧА КЎПЛАБ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР, СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИ ЎТКАЗИБ КЕЛИНМОҚДА.

Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида Чилонзор тумани Махсус Олимпиада ҳаракатининг жамоатчилиги асосидаги соғломлаштириш «Ишонч» марказининг очилишига бағишланган тақдиримат маросими бунга яққол мисол бўла олади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Миллий махсус Олимпиада ҳаракати раҳбари Гулнора Саидова сўзга чиқиб Махсус Олимпиада ҳаракати бўйича юртимизда амалга оширилаётган ишлар ва ёшларимизнинг мамлакатимиз ҳамда чет элларда ўтказилган мусобақаларда эришяётган ютуқлари тўғрисида тўхталиб ўтди. Шунингдек, Чилонзор тумани хотин-қизлар кўмитасининг раиси Муаттар Содикова ҳамда тумандаги 66-сонли махсус мактабнинг раҳбари сўзга чиқдилар.

Тадбир давомида ҳаваскор хонандалар ва Чилонзор тумани ўқувчи ёшлар уйининг «Аладдин» гурӯҳи ва рақс дастаси ўз концерт дастури билан иштирокчиларни кўнглини хушнуд этди. — Республикаимиздаги ақлан ва жисмонан заиф, дунда хасталигига чалинган болаларнинг имкониятларини кенгайтириш, саломатликларини мустаҳкамлаш учун барча шароитларни яратиб бериш биз катталарнинг асосий вазифаларимиздан биридир, — дейди Чилонзор



Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғи, шунингдек, тумандаги 66-сонли махсус ўрта мактаб маъмурияти ҳамкорликларида болажонлар учун махсус ишлаб чиқилган жисмоний тайёргарлик кўникмалари асосида машғулотлар ташкил қилиш, Махсус Олимпиада дастури бўйича шаҳар, республика ва халқаро миқёсдаги спорт мусобақаларига тайёрлаш, шу каби тадбирларда уларнинг иштирок этишлари учун кўмаклашиш мақсадида «Ишонч» маркази ташкил қилинмоқ-

да. Чилонзор тумани миқёсидаги бу марказга асосан ўз ҳудудимиз, қолаверса қўшни туманлардан саломатлиги заиф болаларни ҳам жалб қилиш, марказ фаолияти режалари асосини ташкил қилади.

Марказ учун Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғи бежиз танлаб олинмади. Бу ерда машғулотлар, шу йўналиш бўйича турли қизиқарли тадбирлар ўтказиш учун шароит ва мутахассислар ҳам етарли. Марказнинг 2008—Ёшлар йилида очилиши эса болажонларимиз ҳаётида ўзгача маъно кашф этди. Туман «Ишонч» соғломлаштириш марказининг ташкил этилишининг асосий сабабларидан яна бири 2005 йилдан 2008 йилгача бўлган давр ичида тумандаги 66-сонли махсус мактаб ўқувчилари Махсус Олимпиада йўналиши бўйича туман, шаҳар, республика ва халқаро миқёсда спорт мусобаларида катнашиб юқори кўрсаткичларга эришиб кўплаб медалларни кўлга киритдилар. Шу босиб боғда эндиликда ёшлар ва болалар билан ишлаш бўйича яна бир йўналиш «Ишонч» маркази ўз фаолиятини бошлади.

Умид ҒОФУРОВ СУРАТЛАРДА: марказнинг очилишидан лавҳалар Алексей Попов олган суратлар



Спорт янгиликлари

ҒАЛАБА БИЛАН БОШЛАШДИ

ЭРОН ПОЙТАХТИ ТЕҲРОН ШАҲРИДА ТЕННИС БЎЙИЧА ЭРКАКЛАР ЎРТАСИДА УЮШТИРИЛГАН ФЬОЧЕРС ТУРКУМИГА КИРУВЧИ ХАЛҚАРО ТУРНИРНИ МАМЛАКАТИМИЗ ВАКИЛЛАРИ ҒАЛАБА БИЛАН БОШЛАШДИ.

Гап шундаки, Европа, Осиё мамлакатларидан келган иқтидорли ёш спортчилар иштирок этяётган ушбу нуфузли турнирнинг биринчи учрашуварларида эронлик Мирза Жамшидийга қарши кортга чиққан ҳамюртимиз Мурод Инозатов рақибини икки сётда 6:0, 6:1 ҳисобларида мағлуб этишга бўлса, россиялик Алексей Финков билан куч синашган бошқа бир юртдошимиз Рифат Биктиянов 6:3, 6:4 ҳисобида рақибдан устун келди. Қувонарлиси, бу икки ҳамюртимиз ушбу турнирнинг чорак финалига йўлланмани кўлга киритди.

ПЕШҚАДАМЛАР МУВАФФАҚИЯТГА ЭРИШДИ

НИҲОЯТ МАЪЛУМ МУДДАТЛИ ТАНАФФУСДАН СЎНГ ФУТБОЛ БЎЙИЧА МАМЛАКАТ XVII МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТИНИНГ 12-ТУР БАҲСЛАРИ ЎТКАЗИЛДИ. Шуниси эътиборлики, ушбу турни пешқаддам жамоалар — «Қурувчи» ва «Пахтакор» ғалаба билан ақунлаб муҳим очколарни кўлга киритишди.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ томонидан 2008 йил 5 август кuni соат 11.00 да Ўзбекистон банклари ассоциацияси биносида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига Тошкент шаҳар Юнусобод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан 2007 йил 4 сентябрдаги 13200-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг хўжалик бошқармаси ҳудудида сақланган, 2006 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами Х345VZM бўлган, «ГАЗ-33021212» русумли автотранспорт воситаси кўйилади. Бошланғич баҳоси-13 500 000 сўм.

Шунингдек, Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ томонидан 2008 йил 18 июль кuni соат 11.00 да Ўзбекистон банклари ассоциацияси биносида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига Тошкент шаҳар Чилонзор тумани суд ижрочилари бўлими томонидан 2008 йил 22 февралдаги 2907-09/9-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган «СУНДУС» қўшма корхонасига тегишли қўйдаги автотранспорт воситалари Кайтадан кўйилмоқда: Тошкент вилояти Зангиота тумани, Эшонгузар К.Ф.Й., «Ўзбекистон овози» кўчаси 12-уй манзилдаги «Санджарим Умарали» МЧЖнинг автомобилларни сақлаш майдонасида сақланган, 2006 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10BC738 бўлган «ДАМАС» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси-9 964 000 сўм.

Тошкент вилояти Зангиота тумани, Эшонгузар К.Ф.Й., «Ўзбекистон овози» кўчаси 12-уй манзилдаги «Санджарим Умарали» МЧЖнинг автомобилларни сақлаш майдонасида сақланган, 2006 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10BC739 бўлган «ДАМАС» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси-9 896 000 сўм.

Ушбу мулкларни суд ижрочилари иштирокида бевосита жойига чиқиб кўриш мумкин. Савдода катнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида мулк номин, ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатгани ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдорига закалат пулини Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки «Автотранспорт» филиалининг «Альяс» минн банкидаги, МФО 00417, СТИР 204325773, х/р. 20208000804234776001 тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун арива топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аривазларни ва закалат пулини қабул қилиш, савдодан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода катнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қўйдаги манзилга мурожаат қилишнинг мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев, 1. Тел: 238-69-94, 238-69-93. Лицензия DB001-000010.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кuni соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.

Мунажжим башорати

2 ИЮЛЬ, ЧОРШАНБА Самовий мавжудотлар таъсири жиҳатидан бугун мусаффо кун ҳисобланади. Мунажжимлар уни руҳни кўтарувчи омилларга бағишлашни маслаҳат беришади. Салбий фикрларга ўрин берманг, араз ва айбдорлик ҳисларидан халос бўлинг, эзгуликни кўзлаб, ўзингизни янги ташаббусларга фикран тайёрлашга ҳаракат қилинг.

Муқаддас китобларни мутолаа қилиш, муҳтожларга ёрдам қўлини чўзиш хайри бўлади. Саёҳатлар ва соҳ олдиришдан ўзингизни тийинг. Хоҳ ижобий, хоҳ салбий — ҳар қандай таъсирларга берилувчанлик яхшиликка олиб бормади. Атрофдагилар билан мулоқотларни имкон қадар қамай-тирганингиз маъқул.

Ошқозон касалликларга мойил бўлади. Қорин бўшлиғи, ошқозонда, кўкрак қафасида, жигар ва ўт пуфагида, лимфатик тизимда жарроҳлик операцияларини ўтказиш маслаҳат берилмайди. Биоэнергетик ва дори-дармонлар билан даволанишни ҳам кечиктириб туриш маъқул, алкоголь ва кимёвий дорилардан ийроқроқ бўлиш керак.

Ташларингиз ҳатто юз кўрмас ҳолатга олиб борувчи жанжал-можаролар нимадан келиб чиқшидан хабардор қилади. Ташларингиз тез фурсатларда ўнган келиши кутилади.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎЗМУ қошидаги С.Раҳимов академик лицейига Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳар ҳокимлиги корхоналарни рўйхатга олиш бошқармаси томонидан 2001 йил 20 апрелда берилган рўйхат рақами №05-023664 бўлган фирмали ном тўғрисидаги гувоҳнома, Тошкент шаҳар корхонанинг рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги 2001 йил 16 майда берилган реестр сони-05-3915/1 бўлган далолатнома ва Ўзбекистон Республикаси статистика давлат департаменти Тошкент шаҳар статистика бошқармаси томонидан 2001 йил 21 июнда берилган хўжалик юритувчи субъектларнинг, корхона, ташкилотлар ягона давлат реестрига киритилганлиги тўғрисидаги рўйхатга олиш рақами №024015 бўлган гувоҳнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Муассис: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ Буюртма Г- 606

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2641 нусxada босилади. Қоғоз бирими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин. Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилиб ва сақланади. «Шарқ» нашрий-маъба ақциядорлик компанияси босмохонаси. Корхона манзили: «Вуко Турон» кўчаси, 41-уй. 1 3 4 5 6